

# Пудрат шартномаси № 27408

Урганч шаҳри

« 17 » июнь 2022 йил

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази номидан Низом асосида иш курувчи директори А.М.Сагиров бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Urganch Kelajak Loyiha” МЧЖ номидан устав асосида иш курувчи Хўжаев Д.Д. иккинчи томондан Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий марказида жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I.Таърифлар:

1.Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишлаарни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## **II.Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига биноан Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий марказида жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## **III.Шартнома буйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси(тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, шу жумладан ККС ни ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **135 058 659 - (бир юз ўттиз беш миллион эллик саккиз минг олти юз эллик тўққиз) сўм** ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно :

- курилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган қуч(форс-мажор)ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узғаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

## **IV.Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

қурилиш майдони қурикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

- Пудратчининг барча муурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

- миллий валюта “Сум”да узаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

- кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада “сумда” узаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан утқазилгандан кейин қучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **7 (етти) календар кунни** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

### **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига 3 (уч) иш куни муддатда шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг **30%и** миқдорида аванс утказди, бу сумма **40517597-** (**қирқ миллион беш юз ўн етти минг беш юз тўқсон етти**) **сўми** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-4 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул қилингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар ҳисоб фактурасининг 100% миқдорида, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг қолган 5 фоизи Буюртмачи ва Пудратчи уртасидаги узил кесил ҳисоб-китоб қилиниш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан 12 ойдан кейин;

Мазкур шартномада белгиланган қафолатли муддати тамом бўлгандан кейин – ишлар кийматининг 5 фоизи миқдорида, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буртмачи қилиниш майдонида уз вақилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қилиниш майдонида

ишларни амалга ошириш чогида пайдо булвчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI- булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

32. Алохида маъсулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни қабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик кабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилинган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангугача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг кабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## **IX.Ишларни куриклаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони ҳудудида материаллар,асбоб-ускуналар,курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар,шунингдек материаллар,асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X .Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор)ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга муносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қў вақтга қўзилса,у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар курилишини муҳокама қилидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида қилиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада

ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII.Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари,коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф килишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида \_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади.Нуксонлар пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни ,жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса,у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда,уларни текшириб чиқиш “Давархитектурурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади,бу томонларнинг ушбу масала буйича хужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIII.Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:



- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюрмачига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя тилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб куйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма қарорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумӣ суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг \_\_\_ фоизи микдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.4 фоиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчинини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитектқурилишназора» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 50 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз ,субпудратчилардан ташқари,бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

73. Шартномани амал қилиш муддати 2022-йил 31-декабр

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий маркази	“Urganch Kelajak Loyiha” МЧЖ
Манзили: Урганч т. Юкорибоғ к.	Манзили: Урганч ш., И.Досов кўча, 1-уй
Тел/факс: 62-35-35-313	Тел/факс: 93-466-50-80; 62-224-86-86
х/р: 401421860332177073201054002	х/р: 2020 8000 7004 1880 3001
ИНН: 201970196	ИНН: 303 149 396
ОКОНХ: 91513	ОКЕД: 41202
Банк: Кишлоқ курилиш банк	Банк: Ипотека банк Тинчлик филиали
Молия вазирлиги газначилиги	МФО: 00580
х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	
МФО: 00014	
Тошкент ш. Марказий банк Тошкент ш ХККМ	



М.У.

А.М.Сагиров  
(Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос:

М.Ў.



М.У.

М.У.

Хўжаев Д.Д.  
(Ф.И.О.)

Буюртмачи юристи

АДВОКАТ  
*Handwritten signature*

(имзо)

Хоразм вилоят Урганч туманида жойлашган Оролбуйи минтакаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий- амалий тиббиёт маркази худудида жорий таъмирлаш ишларини **молиялаштириш**

**ЖАДВАЛИ**

**135058659** (минг сум)

Ишлар тури ва номи	Ишлар киймати	2022 йил буйича қурилиш киймати											
		4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
2	3	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декбр
Оролбуйи минтакаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий- амалий тиббиёт маркази худудида асосий бино ташки қисми, паликлинкани ер тула қисми, ошхонани ички қисмини пардозлаш ва ташки қонализация ҳамда обонлаштириш ишлари	135,0	-	-	-	-	-	40,5 94,5	-	-	-	-	-	-
Жами:	135,0	-	-	-	-	-	135,0	-	-	-	-	-	-



Пудратчи



Хоразм вилоят Урганч туманида жойлашган Оролбуйи минтакаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий- амалий тиббиёт маркази ҳудудида жорий таъмирлаш ишларини бажариш

ЖАДВАЛИ

135058659 (минг сум)

т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар қиймати	2022 йил буйича курилиш қиймати											
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декбр
1	Оролбуйи минтакаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳудудида асосий бино ташки қисми, паликlinikани ер тула қисми, ошхонани ички қисмини пардозлаш ва ташки қонализация хамда обонлаштириш ишлари	135,0	-	-	-	-	-	40,5 94,5	-	-	-	-	-	-
	Жами:	135,0	-	-	-	-	-	135,0	-	-	-	-	-	-



Пудратчи

